

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ВАРВАРИЗМЛАР ВА УЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИКИ

Хуморахон Бегматова Омонжон кизи

Лингвистика: инглиз тили йуналиши магистранти(ФарДУ)

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек ва инглиз варваризмлар ва уларнинг лингвомаданий тадқики ўрганилган.

Калит сўзлар: варваризм, жаргонизм, Лексикология, лингвокультурологик жиҳатлари, структурал таркиби, лингвомаданий тадқики.

Варваризм муаммоси бошқа тилдан ўзлаштирилган сўзнинг тил меъёрига бўлган муносабати замирида пайдо бўлади. «Варваризм» нинг мақомини, ўрнини белгилаб берадиган асосий мезон бу – тил меъёридир. Меъёрлаштириш варваризмга тескари пропорционал, яъни меъёрлашув кучайса, варваризмлар камаяди ёки, аксинча, меъёрлашув кучсизланса, бўшаштирилса, варваризмлар сони нутқда кўпайиб кетади.

Америка лексикографлари маълумотига кўра, 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра «chouxona, kurash, hashar, bairam, doppi, maxsi, maxsidoz, mahalla, guzar, atlas, adras, beshik, palov, sumalak» ва юзлаб бошқа сўзлар бу луғатда инглиз тилининг луғат таркибига қабул қилинган сўзлар сифатида қайд этилган.

Хорижий тиллардан кириб келган сўзларни тил грамматик тизимига мослашиши, адаптация мезонлариги кўра Э.Хауген варваризмларни уч гурухга ажратиб таҳлил қилишни тавсия қиласди: морфологик ўзгаришларсиз, морфологик жиҳатдан қисман ўзгарган (гипотиплар), морфологик жиҳатдан тўла ўзгарган сўзлар.

Тилшунослардан бир гурухи варваризмлар сўз семантикаси ва функциясига азалдан тегишли белгилар бўлиб, уларни тил луғат бойлигининг бир гурухи, жаргонизм каби бирор функционал гуруҳ деб қаралиши

кераклигини уқтирадилар. Тилшүносларнинг иккинчи бир гурухи варваризмларни тилнинг стилистик қатламларидан бири деб қарайдилар ва уларни лексикологияда таҳлил қилиб ўтирмасдан, стилистик ҳодиса сифатида кўриб чиқадилар.

Биринчи нуқтаи назарга кўра, варваризм – моҳият, иккинчи нуқтаи назарга кўра эса варваризм – ҳодиса. Буни қўйидаги формула ёрдамида ифодалаш мумкин: [Лексикологияда – моҳият { ←варваризм → } Стилистикада – ҳодиса] Сўз қабул қилинган тилга кирган, яъни сингтан бўлиши учун бир қатор талабларга жавоб бермоғи лозим, яъни: ўзлашган сўз уни қабул қилувчи тил қонуниятларига бўйсунади; сўз қабул қилувчи тил лексик-семантик тизимиға боғланган, унга сингишган бўлади; ўзлашган сўз худди ўз сўздек табиий ва аниқ бўлади, ундан шубҳаланиш, уни бошқа сўзлар билан қоришириш хавфи йўқолади; сўз қабул қилувчи тил соҳиблари бўлган халқа худди ўз сўзидай туюлади. Ўзлашма сўзнинг қабул қилувчи тил луғат таркибиға сингиши маълум шароит ва хусусиятларга боғлик.

Нутқда варваризмларнинг қўлланиши сўзловчи инсоннинг ўзга дунё маданиятини таснифлаш, англаш фаолиятида жиддий аҳамият касб этади. Варваризмларнинг лингвокультурологик жиҳатларини ўрганиш иккиласми чи номлашни, яъни меъёрли ёки меъёrsиз ўзлаштирилган сўзларни ўрганиш у ёки бошқа халқнинг дунёни тил орқали тасвиirlашдаги миллий ўзига хос жиҳатларини очишга ёрдам беради.

Варваризмлардан чўчиш, тилни соф саклаш, пуризм тенденциялари, хорижий тиллардан сўз ўзлаштиришдан хавфсираш, хорижий тилларни рад этиш тилнинг ўз воситалари ҳисобига сўз ясаш жараёнини фаоллаштиради.

Таъкидлаш жоизки, ўзга тил дунёсининг лисоний тасвирини яратишда варваризмлар ягона восита ёки ифода усули бўла олмайди. Тилда варваризмларнинг юзага келиши инсон ташқи ва ички дунёсида нарса-ҳодисаларнинг ўта нозик тафсилотларини акс эттиришга интилиш ҳамда уларни атамаларда қайд этиш билан боғлиқ.

Е.В.Маринова, Л.П.Крысин, Р.Ф.Касаткина, Ю.С.Сорокин ва бошқаларнинг ишларида турли муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган ўхшаш курилмалардан варваризмларни ажратиш мезонлари баён қилинади.

Варваризмлар структурал таркибини таҳлил қилиш учун инглиз тили оғзаки ва ёзма нутқида қўлланилаётган варваризмларнинг морфологик хусусиятларини тизимли тадқик этдик. Таҳлиллар бизга қўйидаги натижаларни берди. Варваризмлар таркибига кўра содда ёки ясама сўз; қўшма сўз; сўз бирикмаси; турғун сўз бирикмаси ва гап шаклида учрайди. Масалан, содда сўз шаклидаги: vous (фр.) -сиз; cabaret (фр.) - кабаре; ясама сўз шаклидаги hotelier (фр.) - меҳмонхона хўжайини; connabstant (фр.) -майор; қўшма сўз шаклидаги: chinoserie (фр.) - хитой тақинчоқлари; malchance (фр.) - ёвуз тақдир; сўз бирикмаси шаклидаги: femme de menage (фр.) - оқсоч; brutto tempo (итал.) -оғир замонлар; signor maggiorre (итал.) -жаноб майор; гап шаклидаги: Il piove (итал.) – Ёмғир ёғаяпти. (Е.Н) каби варваризмлар структурал жиҳатдан ўзаро фарқланади.

Айтиш мумкинки, варваризм қабул қилувчи тил, қабул қилувчи тил таъсири остида ўзининг график шакли, талаффузи, сўз ясаш хусусиятлари ва маъно буёқдорлигини озми-кўпми ўзгартиради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Фофурова М. Ўзбек тилидаги варваризмларнинг функционал-семантик таҳлили // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2019. – №12. – Б. 108-112. (10.00.00. №3)
2. Фофурова М. Варваризмларнинг ўзга тилларга кириб келишининг лингвокультурологик шарт-шароитлари // Ilm sarchashmalari. – Urganch, 2020, – № 4. – Б 123-126. (10.00.00. №3)
3. Oxford Advanced American Dictionary.2020. Oxford University Press
4. Потт А.Ф. Этимологические исследования в области индоевропейских языков. – Т. 1-2. – 1983-1986.